

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 279-ҳадис

279 - وَعَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
يَقُولُ: «ابْعُونِي الضُّعَفَاءَ، فَإِنَّمَا تُرْزَقُونَ وَتُنصَرُونَ بِضُعْفَائِكُمْ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِإِسْنَادٍ جَيِّدٍ.
[2594]

279. Абу Дардо Уваймир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

«Мени заифларингиз ичидан ахтаринглар. Чунки заифларингиз туфайли ризқланиб, ғалаба қозонурсизлар», деб айтганларини эшитдим.

Абу Довуд яхши иснод билан ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ризқингиз зиёда ва доимо музаффар бўлишни истасангиз, Аллоҳга таваккул этгувчи заиф биродарларингизни зиёрат этиб, қалбларини шод этинг. Чунки, умматнинг ичида дуоסי қабул бўладиган ибодатли, ихлосли кишилар бор. Ичингизда мавжуд заифҳол кишилар ўз заифликлари, камтаринликлари билан ибодат ила Аллоҳга етишиб қолган бўладилар, ана ўшалар туфайли Аллоҳ сизларга нусрат ва ризқ беради. Бу қутлуғ амални Саййиди Коинот жанобимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга тавсия этганлар.

Манба: hadis.islom.uz



